



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 9 февраль, № 28 (5448)

Пайшанба

МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИ

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишида энгил саноат корхоналарининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Таҳлилларга қараганда, жаҳон бозорида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга бўлган талаб тобора ортиб бораёпти. Чунки улар сифат кўрсаткичларининг юқорилиги билан харидорларга ҳар томонлама маъқул тушмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган

Мамлакатимизда 2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилдагига нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайиб, 15 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетгани шундан далolat беради. Бу кўрсаткич 2000 йилдагиси билан таққосланганда, 4,6 баробар зиёд эканлиги, экспорт таркибиде тайёр маҳсулотлар улуши 60 фоизга етказилгани, айниқса, қувонарлидир. Бундай барқарор ўсишга ўз-ўзидан эришилгани йўқ, албатта. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Президентимиз ташаббуси билан иқтисодийни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва юқори технологияларга асосланган янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бу борада муҳим омил бўлапти. Натижада ҳар йили кўпайиб янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Республикаимиз экспорт салоҳиятининг ошишида энгил саноатнинг ҳам муносиб улуши бор. Гап шундаки, ушбу со-

ҳада фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг аксарияти ўз маҳсулотларини "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиги билан экспорт қилишни йўлга қўйган. Бунга пойтахтимиздаги масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Тошкенттекстиль" корхонаси мисол бўла олади.

— Экспорт қилаётган маҳсулотларимизнинг нафақат ҳажми, балки тури ҳам ошиб бораёпти, — дейди ушбу корхонанинг экспорт бўлими бошлиғи Равшан Тожиев. — Масалан, илгари чет эллик харидорларга фақат калава ип етказиб берилган бўлса, бугунги кунда унинг ёнига тайёр трикотаж мато, кийим-кечаклар ҳам қўшилди. Биргина 2011 йилда 34 минг донга тайёр либос, 3150 тонна калава ип, 378 тонна бўялган ва 233 тонна бўялмаган трикотаж мато экспорт қилинди. Бу ўтган йили ишлаб чиқарилган маҳсулотлар умумий ҳажмининг 80 фоизидан ортиқдир.

(Давоми 2-бетда).



Дунё нигоҳи

Бельгияда чоп этиладиган оммабоп «La gazette Diplomatique» журналининг сўнгги сониде Бельгия Дипломатия клуби бош котиби Леон Вегнезнинг «Ўзбекистон: Бозор иқтисодиётига ўтишнинг равон йўли» сарлавҳали мақоласи эълон қилинди.

«ЎЗБЕКИСТОН: БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ РАВОН ЙЎЛИ»

Мақола муаллифининг кайд этишича, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали импортни камайтиришга интилгани ҳолда, босқичма-босқич ҳаракат тамойилига асосланган иқтисодий ислохотларни ўтказишга киришди. Мақолада алоҳида таъкидланганидек, Ўзбекистон раҳбари томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий тараққиётнинг "ўзбек модели" бугун бозор иқтисодиётига равон ўтишнинг яққол тасдиғи ҳисобланади.

Мақоланинг республикаимиз тарихий меросига бағишланган қисми "Бой тарихга эга Ўзбекистон" дея номланган. Унда мавжуд тарихий мерос палеолит даврида милотдан 500 минг — 1 миллион йиллар муқаддам бу ерларда ҳаёт пайдо бўлганидан далolat бериши айтилади. Муаллиф бу ерда асрлар давомида инсонлар қай тарзда яшагани, шаҳарлар қурилгани, давлатлар гуллаб-яшнагани ҳақида ҳикоя қилади. Унинг фикрича, бу гўзал воҳода ҳаёт бир лаҳза ҳам тўхтамаган ва айнан шу замин Шарқни Фарб билан болаган Буюк Ипак йўли чорраҳаси ҳисобланади.

"Буюк Амир Темури бошқаруви даврида Ўрта Ер денгизидан Шимолий Хиндистонгача бўлган худудларни ўз ичига олган салтанат гуллаб-яшнаган. Ўзбекистон 1991 йили мустақилликка эришганидан сўнг ўзбек давлатчилиги тарихида

янги саҳифа очилди", деб ёзади Л. Вегнез.

Муаллиф, шунингдек, Ўрта Осиё минтақасининг қоқ марказида қарор топган Ўзбекистоннинг жуғрофий жойлашуви, унинг худуди, халқи, иқлим хусусиятлари ҳақида батафсил маълумотларни журналхонлар эътиборига ҳавола қилади. Л. Вегнезнинг таъкидлашича, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Бухоро ва Хива сингари қадимий шаҳарлари, ҳақиқатан ҳам, Буюк Ипак йўлининг юрағидир.

Ўзбекистоннинг мустақиллик давридаги иқтисодий тараққиётига бағишланган алоҳида бўлимда мақола муаллифи юртимизда мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг ўз модели амалга оширилаётгани ҳолда, бундан кўзланган мақсад узоқ муқаддатли миллий манфаатларга эришиш билан изоҳланганини кайд этади. Унинг фикрича, тараққиётнинг "ўзбек модели" — бошқаруш ва янги иқтисодий муносабатлар шаклланишининг бозор тизимига ўтиш жараёнлариға эволюцион ёндашув, чуқур ўйланган, босқичма-босқич ислохотларни рўйбага чиқаришдир.

Мақолада таъкидланганидек, ўз вақтида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури туфайли Ўзбекистон иқтисодиёти бутун дунёда содир бўлган глобал молиявий-иқтисодий инқирозга муваффақиятли тарзда қарши тура олди.

(Давоми 2-бетда).

Анжуман

Улуғ мутафаккир Алишер Навоий ижоди халқимиз маънавий меросининг бебаҳо намунасидир. У яратган шеър, насрий ва илмий-адабий асарлар юртимиз ва жаҳон миқёсида алоҳида кизиқиб билан ўрганилиб, тадқиқ қилинаётгани бежиз эмас.

Боқий маънавий мерос

Зеро, Навоий ижоди битмас-туганмас тадқиқотлар манбаи, чуқур фалсафий қарашларга бой илмий хазинадир.

Буюк шоир асарларини ўрганиш, тарғиб қилиш, улар замиридаги эзгу гояларни ёш авлод онгу шуурига сингдириш бугунги кунда ўта долзарб аҳамиятга эга. Бинобарин, ҳазратнинг гўзал ва бетакрор ғазаллари, қиямату мушоҳадага йўғрилган йирик достонлари кенг оммалаштирилиб, турли тилларда чоп этилганлиги юртимиз ёшларини юксак маънавий фазилатлар руҳида камол топтиришга хизмат қилмоқда.

Кеча Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида бўлиб ўтган илмий-назарий анжуманда ҳам шу хусусда сўз борди. Етук аллома таваллудининг 571 йиллигиға бағишланган мазкур тадбир Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Унда навоийшунос олимлар, шоир ва ёзувчилар, илмий муассасалар ходимлари ҳамда ёш тадқиқотчилар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда).

ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Мамлакатимизда ёшларни, хусусан, олий таълим муассасалари ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган ислохотлар халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Навоий вилотида ҳам мазкур йўналишда олиб борилаётган ишлар юқори самара бераёпти.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури

Хусусан, ишлаб чиқариш субъектларининг модернизация қилиниши, янги корхоналар ташкил этилиши натижасида кўплай йигит-қизларнинг доимий даромад манбаиға эга бўлаётгани эътиборға молик. Қувонарлиси, уларнинг аксарияти касб-хўнар коллежлари битирувчиларидир.

— Мен "Навоий" аркин-индустриал иқтисодий зо-

насида жойлашган поли-этилен қувурлари ишлаб чиқаришға ихтисослаштирилган корхонада электрик лавозимида фаолият бошладим, — дейди Навоий техника ва иқтисодиёт касб-хўнар коллежи битирувчиси Фаррух Мансуров.

— Бу ердаги технологиялар Жанубий Кореядан келтирилган бўлиб, улар ёрдамида тайёрланаётган маҳсулотларимиз сифатли ва рақобатбардош. Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Навоий вилоти ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси тасарруфида 51 ўқув маъсасаси мавжуд. Уларда 56 мингдан зиёд ўқувчи тахсил олмақда. Ана шу ёшларни эгаллаган мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш чора-

лари қўрилаётгани диққатга сазовор.

— Ўтган йилда вилотидаги касб-хўнар коллежлари 15763 нафар ўқувчи тамомлади, — дейди Навоий вилоти ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси бошлиғи Лочин Облоқуллов. — Уларнинг 91 фоизи худудда фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасалар билан тузилган шартнома-ларға мувофиқ, муқим иш ўринларига эга бўлди. Бунда "коллеж — корхона" тизими изчил йўлга қўйилгани муҳим самара берди. Юртимизда кичик бизнес субъектлари кундан-кунга

ривожланиб, тараққиётимизға муносиб ҳисса қўшмоқда. Шу боис касб-хўнар коллежи битирувчилари орасида ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишни мақсад қилган йигит-қизлар кўп. Ана шундай ёшларнинг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашға ўтган йили тижорат банклари томонидан 1,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Умуман, вилотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиш учун йўналтирилган сарможалар миқдори 184,8 миллиард сўмни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда).

Мамлакат бўйлаб

Янгилашлар шарофати

Вилотдаги оёқ кийимлари тайёрлашға мўлжалланган "Узсаламан" қўшма корхонаси хориж сармоясини иштирокида ташкил этилган дастлабки ишлаб чиқариш субъектларидан биридир.

Фарғона

Яқин йилларгача бу ерға асосий хом ашё хориждан келтирилди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида корхонада кенг қўлланган модернизация тадбирлари амалға оширилган, ушбу муаммоға барҳам берилди. Шу билан бирга, "Узсаламан"да ишлаб чиқариш ҳажми 31,4 фоизға ўсди. Яъни ўтган йил давомида 30 турдаги 2 миллиард 462 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида

Нукус шаҳридаги Республика қон қуйиш марказида лойиҳа қиймати 171 миллион сўмлик реконструкция ишлари бажарилди. Натижада ушбу муассаса янада кўркам қиёға касб этди.

Қорақалпоғистон Республикаси

Шунингдек, мазкур шифо маскани "Саломатлик-2" ҳамда "Она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш" лойиҳалари асосида қиймати 1 миллиард 173 милли-

он сўмлик тиббий жиҳозлар ва икита энгил автомашина билан таъминланди.

Ўтган йили Оролбўйида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида 10

та шу каби шифо масканида 18 миллиард сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалға оширилди.

Х. АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Андижон

Избоскан туманидаги "Uzbek and Spinning" масъулияти чекланган жамиятида умумий қиймати 70 минг АҚШ долларилек техник ва технологик янгилашлар амалға оширилди.

Сифат яхшиланиб, қувват ортиди

Пировадиде бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, маҳсулот сифати ҳам тубдан яхшиланди. Хусусан, жамиятнинг 45 кишилик жамоаси томонидан яқунланган йилда 1 миллиард 298,4 миллион сўмликдан зиёд калава ип тайёрланди.

Умуман, ўтган йили тумандаги саноат корхоналарида 78 миллиард 178 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қашқадарё

"Қарши таъмирлаш заводи" масъулияти чекланган жамиятида қишлоқ хўжалиги техникалари учун зарур эҳтиёт қисмлар ҳамда сув иншооти ускуналари тайёрлаш ўзлаштирилди.

Харидор талабига мос

Корхонанинг 200 миллион сўмлик маблағи ҳамда банкнинг 400 миллион сўмлик кредити ёвазига хориждан пўлат ва чўян қуйиш технологиялари келтирилиб, ўрнатилди. Айни пайтда бу ерда экиш, юмшатиш, ариқ олиш, борона қилиш каби юмушларни бажаришға мўлжалланган 200 дан ортиқ турдаги қишлоқ хўжалиги техникаси воситалари ишлаб чиқарилмоқда.

Эътиборлиси, корхонада ISO 9001-2009 стандартига мос сифатни бошқариш тизими жорий қилинган.

А. МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

СОЛИҚДАГИ ИМТИЁЗЛАР ЮКСАЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

2011 йилда мамлакатимизда солиқ юки, 1991 йилдаги билан солиштирганда, ялли ички маҳсулотга нисбатан қарийб 2 баробар камайиб, 41,2 фоиздан

22 фоизға туширилди.

Таъкидлаш жоизки, бу республикаимизда изчиллик билан амалға оширилаётган солиқ юкини камайитиришға қаратилган оқилона солиқ сиёсатининг самараси бўлиб, у иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларға, хўжалик юритувчи субъектларнинг ишбилармонлик фаолияти ва молиявий барқарорлигини юксалтиришға хизмат қилмоқда.

Кўҳна тарихимиз, миллий қадриятларимиз, буюк аجدодларимиз ҳақида гапирганда, биринчилардан бўлиб улғу мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳазратлари кўз олдимишга келади. Чунки, бу мўътабар зот миллатимиз шарафини кўжларга кўтарган, юртимиз доврўгини бутун оламга тараннум этган.

Ислом КАРИМОВ

Хайрат

Хар бир миллат толеига бир ёки бир неча шундай улғу фарзандлар битилганки, улар буюк ғайрати, мислсиз иродаси, теран ақл-ироки ва ибратли ахлоқ-одоби билан халқнинг қаддини кўтарадилар. Ҳазрат Алишер Навоий туркий халқларнинг шундай бетимсол даҳосидир.

КОМИЛЛИК ТИМСОЛИ

Хўш, Навоий даҳосининг қайси қирралари уни жаҳон сўз санъаткорлари сафига олиб чиқди? Аввало, мутафаккирнинг шеърятини раванқига таъсирини қайд этайлик. Унгача ижод қилган мумтоз шоирлар оз эмас, улар шуғулланган адабий жанрлар мундарижаси ҳам бой, аммо Навоий даҳоси тафаккур ривожига жуда кучли таъсир кўрсатиб, адабий иқлимдаги истеъдодлар ўсишига, фикр тўғилиши ва мундарижа бойишига хизмат қилди. Навоий ижоди абадиятининг бош сирини, бизнингча, унинг асарларида куйланган умумбашарий ғоялар: инсонпарварлик, ахлоқийлик, комилликдир. Инсонпарварлик — инсонни ирқи, миллати, жинси ва ёшидан қатъи назар, ҳурмат қилиш, унинг бахт-саодатини таъминлашга қўлдан келганча ҳаракат қилиш, ўзгалар фароғатидан хурсанд бўлишидир.

Ахлоқийлик, Навоий фикрича, одам учун ҳаёт-мамат масаласидир. Бахт ва бадбахтлик, солихлик ва фосиқлик, олижаноблик ва ёвузлик, вафо ва жафо, ҳақ ва ботил, ҳамма-ҳамма нарса ахлоқ билан боғлиқ. Шу маънода, шоир комилликни улғулайди. Гузал инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган киши, комил дейди. Бу мартабага етган инсон поклик, яхшилик ва маърифатдан ортик бахт йўқ эканига амин бўлади. Ва ниҳоят, шоир шахсидаги мислсизликка келсак. Навоий ҳиммат-саховати билан Ҳотам Тойидан илгариллаб кетган зот. Шу билан бирга, олийҳимматлик кўйичиси:

Эй Навоий, олам аҳлида тамаъсиз йўқ киши, Ҳар кишида бу сифат йўқтур — анча бўлғай шараф. Сен агар тарки тамаъ қилсанг, улғу ишдур буқим, Олам аҳли барча бўлғай бир тараф, сен — бир тараф.

Навоий ўз шахси, гузал инсоний фазилати билан ҳам абадий эхтиромга лойиқдир. Айрим манбаларда шоир мулки давлатининг асосий қисмини кишилар эҳтиёжига, арзимас қисмини эса ўз эҳтиёжига сарфлагани айтади. Бу ҳақда ҳазрат шундай сатрларни ёзадилар:

Жоҳ аҳли, фақр ичра Навоийга иқтидо — Айлангки, бу тариқа анга келди мухтарба.

Яъни эй давлатмандлар, фақрда (сахийликда) сиз Навоийга эргашинг. Чунки бу йўсин унинг ихтиросидир. Бу қуйидаги икки байтда ҳам айтилган:

Иззат тамаъ ким айласа тарк этмайин тамаъ, Ул хорлиққа мужиб эрур: “Азза мам қанаъ”. Тухми тамаъки хорлиқ ўлмиш унинг бари, Сен бўйла хор тухмин экиб, қилма гул тамаъ.

Тамадан кечмай, иззат тама қилма, хорлик уруғини экиб, гул тама қилма, дейди Ҳазрат. Ва бунда чуқур маъно бор, маърифат бор. Нима эксанг, шуни ўрасан, деган ҳикмат бор. Шу маънода, Алишер Навоий туркий шеърятнинг мислсиз даҳоси бўлиб қолмай, ўз шахсий имон-эҳтиқоди ва ахлоқий фазилатлари билан комиллик тимсоли ҳамдир. Шундан келиб чексак, академик Конрадининг Навоийдек тенгсиз зотни этказиб берган халқ бахтлидир, деган фикри ғоятда асослидир...

Ваҳоб РАҲМОНОВ.

Сийрат

Бобокалонимиз Низомиддин Амир Алишер Навоий ўзининг бутун ҳаётини инсон бахту саодати, жамият фаровонлиги ва юрт осойишталигига бахшида этди. У қўлига қалам олар экан, инсонийлик шарафи ва масъулияти ҳақида сўз юритди. Ҳазратнинг фикрича, мустаҳкам давлат ва адолатли жамият қуришда мукамал ахлоқ ҳамда илм-маърифат эгаси бўлган ёшларнинг ўрни бекиёс.

«... ҲАМ ТИЛИ, ҲАМ КЎЗИ-Ю ҲАМ КЎНГЛИ ПОК»

Шунинг учун у ўз замонида илм ва хунарга интилувчан ёшларни ниҳоятда ардоқлади. Юксак фазилатлар эгаси бўлган темурий шаҳзодалардан Бадиуззамон Мирзо, Шоҳ Ғариб Мирзо, Султон Масъуд Мирзога бағоят меҳр қўйган. Шоир “Ҳайрат ул-аброр” да Бадиуззамон Мирзога, “Фарҳод ва Ширин” достонида Шоҳ Ғариб Мирзога, “Лайли ва Мажнун” достонида Султон Масъуд Мирзога бағоят меҳр қўйган.

мустаҳкамлиги ва жамият раванқининг асосий таянчларидан бири — шаҳзодалар ва бўлғуси давлат арбоблари тарбияси, уларнинг хуш ахлоқи, миллатпарварлиги ва эзгу мақсадларида намоён бўлади. “Муншаот” асарига Навоийнинг Султон Хусайн Бойқаро, валиаҳд шаҳзода Бадиуззамон Мирзога давлат ишларини юритишга оид маслаҳат ва насиҳатлари акс этган мактублар жой олган. Шоир шаҳзодалар тарбиясида нималарга эътибор қилмоқ кераклигини аниқ баён этади.

Навоий тасвиридаги Ширин хар жиҳатдан дилбар инсон. Унинг маънавий дунёси ва уни ўраб турган муҳит Фарҳодга мос, гузал ва юксак даражада. Шоир бу

“илм” сўзидаги харфларни қуёш, ой, кундуз, дея ш а р х л а й д и . Шоир наздида илм ёруғликдан иборат. Илм жаҳолат туини ёритади. Шоир инсоний фазилатлардан бири илм бўлса, яна бири — ишк-муҳаббатга вафо-садоқат дейди:

Ёрки бор, анда вафо бордир, Умр дегин, ёри вафодордир.



Хуллас, Ҳазрат асарлари беқиёс бир уммон, бу уммоннинг дуру жаҳонларни умрни безовчи, одамлиликка ундовчи ғоялар хазинасидир. Унда Яратганга ёқувчи хулқлар билан оқорланган комил инсон зукко ўқувчи кўз ўнгида жонланиб туради. Диплом САЛОҲИЙ, филология фанлари доктори, профессор.



Муҳаббат тилсими

Ширин ҳаммаша атрофидаги тўрт юз қиз билан бирга сафарга чиқар эди. У Гулун лақабли отига миниб, бу гал Фарҳод ариқ қазитган тоққа етиб борди. Ширин билан Фарҳоднинг учрашуви бундай тасвирланади (Ширин сўз бошлади): Ки: “Эй нодир йигит офоқ ичинда, Ягона чархи нили тоқ ичинда! Аён холингда кўп, кўп булъяаблик, Ажабдин ҳам жаб ранжу талаблиқ, Не сен ўхшаб жаҳонда бир кишига, Не қилган ишинг ўхшар эл ишига.

Бу ишким, биз демай бунёд этибсен, Баҳоят кўнглумизни шод этибсен. Бўлур эрдук хусули ичра ожиз, Хунар эрмас, қўлунг кўргузди мўъжиз.

Агар юз қарн узройин бўлоли, Нетиб бир кунчилик узринг қўлоли.

Ишинг узрида юз биздек ўтангай, Не биздин, тенгридин олинга ёнганай.

Шундан кейин Ширин бир товоқ жаҳоҳир сўради, уни Фарҳоднинг бошига сочди. Фарҳод ҳам Ширинни кўриб, айниқса, унинг бу ширин сўзларини эшитиб, тамом беором бўлди. Ҳаяжон аро деди: Деди: “Жонпарвар анфосингдин ўлдум, Унингдин, умр ранжидин кутулдум.

Не англайким, қаю махрў экансен, Ичим қон айлаган сенму экансен?! Мени гурбат аро бечора эткан, Диёру мулкдин овора эткан.

Чиқиб жоним унунгдин бўлғач огоҳ, Юзунгни кўрмай ўлдим оҳ, юз оҳ!”

Анингдек оҳ тўфонин чикорди Ки, маҳвашингди никоби елга борди. Кўрунғач ул жамоли оламор, Анинг матлуби бўлди ошкоро.

Ҳамул эрдик, мафтун бўлмиш эрди, Кўруб кўзгуда мажнун бўлмиш эрди. Бировим акс кўргач хуши кетса, Ўзин кўргач, нетонг, жон таркин этса.

Бировим бўлса майнинг зикридин маст, Нетонг, ичканда бўлса ер уза паст. Чу Фарҳод ул пари эрканни билди, Чекиб ўтлук фигон андоқ йилкиди...

«Фарҳод ва Ширин» достонидан.

Рубойлар

Лаълингни қилиб нуктасаро, эй қоракўз, Ишқ аҳли ҳаётига яро, эй қоракўз. Чекма яна сурма кўз аро, эй қоракўз, Эл қонига қилма кўз қаро, эй қоракўз.

Жоним аро ўт лаъли суҳандонинг учун, Юзум уза кавкаб маҳи тобонинг учун. Кўксумда алиф сарви хиромонинг учун, Сўзлаб, юз очиб кел бу тараф жонинг учун.

Эй боди сабо, агар ҳаво айлагасен, Гулшанга етарни муддо айлагасен. Сарв оллида ер ўпуб дуо айлагасен, Гул қошида қуллуғум адо айлагасен.

Ҳам жисминга заъф бўлса жоним садқа, Ҳам жонинга жисми нотавоним садқа. Сарвингга шикаст ўлса равоним садқа, Йўқ-йўқки, санга жону жаҳоним садқа.



Ғазал бўстони

Очмағай эрдинг жамол олам аро кошки, Солмағай эрдинг бори оламда ғавго кошки. Чун жамолинг жилваси оламга солди рустахез, Қилмағай эрди кўзум они тамошо кошки.

Бўлмағай эрди кўзум ўтлук юзунг кўрган замон, Ишқинг ўти шўъласи кўнглумда пайдо кошки. Айлагач ишқинг балоси зор кўнглумни ҳазин, Қилмағай эрдинг мени маҳзунга парво кошки.

Бевафолим англаган ишқингни кўнглум тарк этиб, Қилмағай эрди ўзин оламда расво кошки.

Эмди ким девонаю расвойи олам бўлмишам, Васл чун мумкин йўқ ўлтургай бу савдо кошки.

Эй Навоий, бевафодур ёр, бас не фойда Неча ким десанг агар, ёхуд магар, ё кошки.

Сабок

қилишга етгулик бир нафасгагина муяссар бўлдим. Муроду мақсадимга етолмадим — ўзим хоҳлагандек давру даврон суролмадим. Бас, сизлар кўзингизни очиб, азиз умрнинг ҳар дамини ганимат билинглар...

шишлар, йўқотишу қулфатлардан холи мазмунли, хуш-хурсанд умр кечирсан!” дейди. Навоийдек дурдона асарлар битган даҳо шоир ҳам: “Эй Навоий, сендек ёшлик даврини зое этган киши қарилик айёмида юлдуз каби кўзларидан ёш тўкса-да, сира фойдаси йўқ”, дейди ўзидан қониқмай:

Албатта, инсон умри

Эй Навоий, сендек эткан зоеъ айёми шабоб, Суди йўқ анжум киби ашқи надомат шоми шайб.

хатолар, адашишлар, йўқотишлар силсиласидан иборат. Шунинг учун ҳам Шайх Саъдий: “Қани эди, инсонга икки марта умр берилса-ю, биринчи тажриба ҳосил қилиб, қилган хатоларингдан хулоса чиқариб, иккинчисиде ўзинг хоҳлагандай хатую ада-

Кўринадики, ўтган умрдан қониқмаслик, амалга оширган ишларидан кўнгли тўлмаслик туйғулари, армонга айланган орзуларидан афсусланиш хисси улғу Навоийга ҳам бегона эмас экан...

Эргаш ОЧИЛОР, филология фанлари номзоди.



ХАМ ДАМНИ ҒАНИМАТ БИЛ

Чунони:

Дунёдин ўт, Навоий, осойиш истар эрсанг — Ким, шуғл ҳар неча кўп, юз онча гам турубтур.

“Эй Навоий, жонинг осуда бўлишини истасанг, бу дунёнинг баҳридан ўтки, унга қанча кўп машғул бўлсанг, ўшандан юз баробар ғаму таъшиш олдиндан чиқаверади”.

Ниҳоятда ҳаётини йўқотқачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган фикр. Тўғрими? Чиндан ҳам, дунё хавасига

қанчалик кўп берилсангиз, у сизни шунча кўп ўз домига тортиб кетади. Ҳаёт қувончу ташвишлари ҳеч қачон тугамайдигина эмас, камаймайди ҳам: бирини ҳал қилсангиз, иккинчиси, иккинчисини амалласангиз, учинчиси чиқиб тураверади ва шу тариқа умрингиз охиригача уларнинг

Азроил унинг бақир-чақирларига парво қилмай жонини олишга киришибди. Мол-дунё бандаси ёлворибди: — Ҳеч бўлмаса, бир оғиз сўз ёзиб қолдиришим учун бир нафасгина изн берсанг-чи! — дебди. Изн теккан гофил одам шундай сўзларни ёзган экан: — Эй одамлар! Мен бир умр ҳаловат нималигини билмай пул йиғиш кўйинг тушдим. Эвазига бор-йўғи пушаймон бўлишу тавба

оқими ва босими сусаймайди. Бу жиҳатдан Фариддин Атторнинг бир ривояти диққатга сазовор. Унда айтилишича, бир очкўз одам бутун умр югуриб-елиб, тиним билмай уч юз минг тилла танга жамғарибди. — Ана энди оёғимни уза-тиб, қолган умримни роҳат-фароғатда ўтказсам бўлади. Пулим етиб ортади, — деб режа тузиб ўтирганида ногаҳон эшик тақиллаб қолибди. Очса, остонада

оқими ва босими сусаймайди. Бу жиҳатдан Фариддин Атторнинг бир ривояти диққатга сазовор. Унда айтилишича, бир очкўз одам бутун умр югуриб-елиб, тиним билмай уч юз минг тилла танга жамғарибди. — Ана энди оёғимни уза-тиб, қолган умримни роҳат-фароғатда ўтказсам бўлади. Пулим етиб ортади, — деб режа тузиб ўтирганида ногаҳон эшик тақиллаб қолибди. Очса, остонада

оқими ва босими сусаймайди. Бу жиҳатдан Фариддин Атторнинг бир ривояти диққатга сазовор. Унда айтилишича, бир очкўз одам бутун умр югуриб-елиб, тиним билмай уч юз минг тилла танга жамғарибди. — Ана энди оёғимни уза-тиб, қолган умримни роҳат-фароғатда ўтказсам бўлади. Пулим етиб ортади, — деб режа тузиб ўтирганида ногаҳон эшик тақиллаб қолибди. Очса, остонада

оқими ва босими сусаймайди. Бу жиҳатдан Фариддин Атторнинг бир ривояти диққатга сазовор. Унда айтилишича, бир очкўз одам бутун умр югуриб-елиб, тиним билмай уч юз минг тилла танга жамғарибди. — Ана энди оёғимни уза-тиб, қолган умримни роҳат-фароғатда ўтказсам бўлади. Пулим етиб ортади, — деб режа тузиб ўтирганида ногаҳон эшик тақиллаб қолибди. Очса, остонада

оқими ва босими сусаймайди. Бу жиҳатдан Фариддин Атторнинг бир ривояти диққатга сазовор. Унда айтилишича, бир очкўз одам бутун умр югуриб-елиб, тиним билмай уч юз минг тилла танга жамғарибди. — Ана энди оёғимни уза-тиб, қолган умримни роҳат-фароғатда ўтказсам бўлади. Пулим етиб ортади, — деб режа тузиб ўтирганида ногаҳон эшик тақиллаб қолибди. Очса, остонада

оқими ва босими сусаймайди. Бу жиҳатдан Фариддин Атторнинг бир ривояти диққатга сазовор. Унда айтилишича, бир очкўз одам бутун умр югуриб-елиб, тиним билмай уч юз минг тилла танга жамғарибди. — Ана энди оёғимни уза-тиб, қолган умримни роҳат-фароғатда ўтказсам бўлади. Пулим етиб ортади, — деб режа тузиб ўтирганида ногаҳон эшик тақиллаб қолибди. Очса, остонада

оқими ва босими сусаймайди. Бу жиҳатдан Фариддин Атторнинг бир ривояти диққатга сазовор. Унда айтилишича, бир очкўз одам бутун умр югуриб-елиб, тиним билмай уч юз минг тилла танга жамғарибди. — Ана энди оёғимни уза-тиб, қолган умримни роҳат-фароғатда ўтказсам бўлади. Пулим етиб ортади, — деб режа тузиб ўтирганида ногаҳон эшик тақиллаб қолибди. Очса, остонада

оқими ва босими сусаймайди. Бу жиҳатдан Фариддин Атторнинг бир ривояти диққатга сазовор. Унда айтилишича, бир очкўз одам бутун умр югуриб-елиб, тиним билмай уч юз минг тилла танга жамғарибди. — Ана энди оёғимни уза-тиб, қолган умримни роҳат-фароғатда ўтказсам бўлади. Пулим етиб ортади, — деб режа тузиб ўтирганида ногаҳон эшик тақиллаб қолибди. Очса, остонада

оқими ва босими сусаймайди. Бу жиҳатдан Фариддин Атторнинг бир ривояти диққатга сазовор. Унда айтилишича, бир очкўз одам бутун умр югуриб-елиб, тиним билмай уч юз минг тилла танга жамғарибди. — Ана энди оёғимни уза-тиб, қолган умримни роҳат-фароғатда ўтказсам бўлади. Пулим етиб ортади, — деб режа тузиб ўтирганида ногаҳон эшик тақиллаб қолибди. Очса, остонада

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 107 942 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.15 Топширилди — 21.30

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000. Топкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — З. Худойшукров. Мусахҳиҳ — Ш. Машраббоев. 1 2 3 4 5